

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ж. Жўраев

“Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар

Тарихнинг турли даврида бир қатор соҳаларда ўзига хос анъаналар жорий қилинган ва бу анъана кеинчалик қонуниятга айланган. Шу маънода Темурийлар даврида бошлаб берилган адабий анъаналаридан бири – Алишер Навоий томонидан туркий тазкиранависликка асос солинганидир [8: 3]. Алишер Навоий (1441–1501) туркий тилда тазкира ёзиш анъанасигаасос солиш баробарида Амир Темур ва темурий мирзолар шахсияти ҳамда ижоди хусусида маълумот берувчи асар ёзишни ҳам бошлаб берди. Тазкиранависликнинг бу жиҳати кейинчалик бунёдга келган бошқа минтақа муаллифлари асарларида ўз даври ҳукмдорлари оиласидан етишиб чиққан ижодкорлар фаолиятини ёритиш билан давом эттирилган. Айни чоғда мазкур тазкираларда давр ҳукмдорлари орасидан ешитиб чиққан қалам аҳлларидан ташқари темурийзодаларга оид қайдлар ҳам турли даражада ўз аксини топиб борган [2: 42–49; 6: 61–68]. Бу анъананинг давомининг илк намуналари сафавийлар даври манбаларида кўзга ташланади. Буни Сом Мирзонинг (1517–1567)нинг “Туҳфаи Сомий” (“Сомий совғаси”; 1550) тазкирасида мисолида кўришимиз мумкин.

Сом Мирзо сафайвий давлати ҳукмдори – Исмоил Сафавий (1487–1524, ҳукмронлик йиллари 1500–1524)нинг ўғлидир. У ҳукмдор фанзанди бўлгани боис, алоҳида таълим ва тарбия олган. Бир муддат Хуросон ҳокими (1521–1529, 1533–1535) бўлган. Кейинчалик вақтини кўпроқ ижод, қалам аҳли билан суҳбат ва тазкираси учун маълумотлар тўплашга сарф қилган. Сом Мирзодан бизгача “Туҳфаи Сомий” (1550) тазкираси ва бошқа манбалар орқали шеъриятидан намуналар етиб

келган. Чунончи, Фахрий Ҳиравий (тав.1497–98): “Абулнаср Сом Мирзо. Назмда яхши табъи бор. Мана бу иккита матлаъда унинг қуввати ва табъининг латофати зоҳирдир”, – дейди ва икки матласи ва битта рубоийсини ҳавола қилади [10: 87].

Содиқ Китобдор эса: “Сом Мирзо – бу шаҳзода ҳам марҳум шоҳ (Шоҳ Тахмосб I)нинг иниси эди. Айш-ишратни севарди. Бир неча йил Хуросонда ҳокимлик қилди. Мухталиф назм ва наср навларида шўх ва муҳком табъи бўлган. “Туҳфаи Сомий” отлиғ бир шоирлар тазкираси ёзди. Охирда Шайх Сайфиддин қуддиса сирруҳу-л-азиз мақбарасига чекиниб, шоирлик-ла машғул бўлди”, – дейди ва бир рубоийсини тақдим этади [8: 25].

“Туҳфаи Сомий”нинг алоҳида “Зайл” (“Якун”) деб номланган хотима қисмида муаллиф ўз асарларидан намуна келтирган. Булар билан бирга тазкиранинг кўпгина ўринида Сомий бирор бир ижодкор асари хусусида сўз юрита туриб “шеърнинг шу баётини мана бундай ўргартирса, яхши бўларди” ёки “ушбу ўринда сакталик бор” деб кўрсатиб ўтади [3: 25б; 54б; 67а; 80б]. Шоирлар ижодидан келтирилган намуналарнинг бадиияти ва вазн хусусиятига алоҳида баҳо бериб ўтади. Ушбу жиҳатлар Сом Мирзонинг адабиётдан чуқур билимга эгалигини билдиради.

Қайд қилиб ўтганимиздек, давлат ишлари билан бандлик даври ва кейинчалик қалам аҳллари билан бўлган суҳбатлар натижасида ўз даври адабий жараёнини ёритувчи тазкира битилмаганини кўриб, бу бўшлиқни тўлдирувчи асар тартиб бериш истаги шаклланган. Шунга кўра, ўзигача тазкира тузилган Жомий (1414–1492), Давлатшоҳ (1435–1495) ва Навоий сингари муаллифларнинг асарлари хусусиятини яхши ўрганган ва “Мажолис ан-нафоис” шаклида асар битишга қарор қилган. Жумладан, бу тўғрида асар муқаддимасида Жомийнинг “Баҳористон” (1487), Давлатшоҳнинг “Тазкират аш-шуаро” (“Шоирлар зикри”; 1488) ва Навоийнинг “Мажолис ан-нафоис” (“Нафис мажлислар”; 1490–91) каби тазкираларда сафавийлар давлати бунёдга келгандан кейин етишиб чиққан ижодкорлар ҳақида маълумот йўқлигини қайд қилиб, улар ҳақида ёзишни мақсад қилганини билдиради. Яна давом этиб: “... “Туҳфаи Сомий” деб номланган бу қимматли саҳифа бир танбеҳ, етти саҳифа ва битта хотимани ўз ичига олади”, – деб ёзади [3: 3*б*–4*а*]. Шунга кўра, тазкиранинг биринчи саҳифаси “Мағфур ҳазрат

соҳибқироннинг фархундамол аҳволидин бир бўлак ва ҳозирда султон бўлган авлоди ва фарзандлари зикрида”, Иккинчи саҳифа “Улуғ саййидлар ва ифодатэълом уламо зикрида”, учинчи саҳифа “Карамли вазирлар ва бошқа қалам арбоби зикрида”, тўртинчи саҳифа “Гарчи шоир бўлмасалар ҳам баъзида тиллари шеър айтишга очилган улуғлар ва вожиб ат-таъзимларнинг зикрида”, бешинчи саҳифа “Истеъдодли шоир ва балоғатгустар сўзамоллар зикрида”, олтинчи саҳифа “Турклар табақаси ва уларнинг истеъдодли шоирлари зикрида”, еттинчи саҳифа “Бошқа авом ва сўзнинг охири зикрида” деб номланган. Хотимада Сом Мирзо ўзи ҳақида маълумот беради ва шеърларидан намуналар келтиради [8: 187*а*–189*а*].

“Мажолис ан-нафоис” саккизта мажлисга бўлинган: “Аввалги мажлис. Жамоати маходим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим”, “Иккинчи мажлис. Ул жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг мулозаматиға кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф бўлибмен, алар ситта ва тисъина ва самона миа тарихидаким, бу мухтасар битиладур, бу фано домгоҳидин бақо оромгоҳига боribдурлар”, “Учинчи мажлис. Алар зикридаким, ҳоло замон саҳоифида моиний абкори аларнинг Дақиқ табълари ҳуллабофлиғидин назм либоси киядур, назм либоси аларнинг амийқ зиҳнлари мўй шикофлиғидин санъат ва салосат нақш ва нигоре топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарбаланд ва баъзининг мусоҳабатидин хушнуд ва баҳраманддурбиз”, “Тўртинчи мажлис. Аср фузалоси зикридаким, шеърга машҳур ва мубоҳий эмастулар, аммо аллардин назм тарийқида кўп латойиф зоҳир бўлур ва кўп заройиф бош урар”, “Бешинчи мажлис Хуросоннинг ва баъзи ернинг мирзодалари ва сойир озодалари зикридаким, табъ саломати ва зиҳи истиқомати аларға боиси назм бўлур, аммо мудовамат қилмаслар”, “Олтинчи мажлис Хуросондин ўзга мамолик фузало ва зурафоси зикридаким, бу асрда ҳоло бордурлар ва ҳар қайси ўз хўрди ҳолиға кўра ширингуфтор ва соҳибдевон ва ашъордурлар”, “Еттинчи мажлис. Салотини изом ва авлоди вожуб ал-эҳтиромлари зикридаким, баъзи яхши маҳалларда хуб байт ўқубтурларким, филҳақиқат ўзлари айтқондек хубдур ва баъзи назм латойифига машғул бўлубтурларким, ул даги матлуб ва

марғубдур”, “Саккизинчи мажлис. Султон соҳибқироннинг латиф табъи натойижининг зеболари, ҳусн ва жамоли зикрида ва шариф зеҳни хасоисининг раънолари ганж ва далоли шарҳидаким, ҳар қайси замон сафҳаси бўстонида рангинлиғ ва равонлиғдин гулъузоредур сарвқад ва ҳар бириси даврон арсаси гулистонида равонлиғ ва рангликдин сарви озодедур, гулхад” тарзидаги бўлимларга ажратилган [1].

Кўриниб турганидек, “Туҳфаи Сомий” мундарижаси ҳукмдор ижодкорларга бағишланган алоҳида бобнинг борлиги билан “Мажолис ан-нафоис”га ўхшаб кетади. “Мажолис ан-нафоис”нинг еттинчи мажлисида Темур Кўрагон (1336–1405), Хоқони Саид Шоҳрух Мирзо (1377–1447), Абобакр Мирзо (1382–1409), Султон Искандар Шерозий (1384–1416), Халил Султон (1384–1411), Улуғбек Мирзо (1394–1449), Бойсунғур Мирзо (1377–1499), Абулқосим Бобур Мирзо (1422–1457), Абдулатиф Мирзо (1420–1450), Сайид Аҳмад Мирзо (1391–1429), Султон Аҳмад Мирзо (1451–1494), Бойқаро Мирзо (1393–1423), Кичик Мирзо (1458–1485), Султон Бадиуззамон Мирзо (1458–1515), Шоҳ Ғариб Мирзо (1470–1496), Фаридун Ҳусайн Мирзо (1478–1509), Муҳаммад Ҳусайн Мирзо (1476–1503), Султон Масъуд Мирзо (1475–1506), Султон Али Мирзо (1483–1501)лар ҳақида гап боради [1: 168–178].

“Туҳфаи Сомий”нинг “Мағфур ҳазрат соҳибқироннинг фархундамол аҳволидин бир бўлак ва ҳозирда султон бўлган авлоди ва фарзандлари зикрида” – “Султонлар зикрида” номли биринчи саҳифада сафавийлар сулоласидан бўлган шоирлар билан бир қаторда Султон Ҳусайн Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Муҳаммад Мўъмин Мирзо, Бобур подшоҳ, Ҳумоюн подшоҳ, Аскарий Мирзо каби темурийзодалар зикр қилинади [3: 10*б*–17*а*]. Сом Мирзо бу тарзда камчилик Темурий шаҳзодалар ҳақида маълумот берганини муқаддимада сафавийлар салтанатининг бунёдга келгандан кейин майдонга чиққан ижодкорлар фаолиятни ёритишга эътибор қаратишни мақсад қилгани билан боғлаш мумкин. Шунга кўра, “Туҳфаи Сомий”га Султон Ҳусайн ва Бобур подшоҳ ҳамда уларнинг айрим ижодкор авлодлари ҳақидаги маълумотлар берилган. Чунончи, Султон Ҳусайн тўғрисида: “Султон Ҳусайн Мирзо – подшоҳи адолатгустар ва шаҳриёри раъиятпарвар эди. Давлатининг баҳор айёми баҳор айёмидек хуррам ва хуррамликда салтанати

айёмига ўхшаш. Салтанати ҳангоми хуррамликка ўхшаш ғамдан узоқ ва такаллуфсиз мадҳи ёйилган бўлиб, у мувофиқ бўлганларга оз подшоҳ муяссар бўлган. Хайр иморатлар, уламо ва илм толибларига эътибор, унинг замонидагидекбирор вазифага масъул бўлган ўн икки минг олим, шунингдек, шаҳар маъмурлиги, ибодат қилувчиларга қулайлик, ҳунар ва шеър аҳли тарбияси нафақасининг қиёсини қилиб бўлмайди",–деб ҳукмдорлик фаолиятини баҳолайди. Шундан кейин унинг ҳукматга келиш тархига тўхталади. Ўз навбатида унинг адабий фаолиятига баҳо бериш учун анчагина ўрин ажратган. Наср ва назмдаги қудратининг юксаклигини айтиб ўтиб, "Мажолис ал-ушшоқ" ("Ошиқлар мажлиси") тазкираси унинг қаламига мансублиги қайд қилган. Шу била бирга ўша ўринда: "...насаби силсиласи Эрон ва Турон ҳукмдори Амир Темур Кўрагонга етиб боради", – тарзида ҳурмат билан тилга олади [8: 10*б*–11*б*].

Султон Ҳусайн авлодлари ҳақида гапириб, Бадиуззамон Мирзонинг шериклик билан давлатни бошқариши оқибатларини таассуф билан эслайди. Мағлубиятга учраган мирзонинг сафавий ҳукмдорлар томонидан ҳурмат билан қабул қилингани, Табриздаги Шанби Ғозон мавзуида қўним топгани, кейинчалик Султон Салимнинг таклифига кўра усмонликлар давлатига кетиши, у ерда тоун касаллигидан вафот этиши хусусида хабар беради [8: 11*б*–12*б*].

Фаридун Ҳусайн мирзонинг ҳарбий салоҳияти, шижоати ва ҳукуматни қайта тиклаш йўлидаги урунишлари ва ҳалокатли тақдирини қаламга олган. Шоҳ Ғариб мирзо адабий меросидан намуналар келтиради [8: 12*б*–13*б*].

Бадиуззамон мирзонинг ўғли – Султон Ҳусайннинг набираси Муҳаммад Мўъмин Мирзонинг ҳаёт йўли ва тақдири кенг кўламда ёритилади. Хусусан, Мўъмин Мирзо отаси ва бобоси ўртасида юзага келган келишмовчиликнинг қай тарзда қурбони бўлганига эътиборини қаратади. Музаффар Ҳусайн мирзонинг онаси – Хадича бегимнинг бу ишга алоқадорлигини қайд қилиб, уни қоралайди. Тазкирада қолган темурий ижодкорларнинг сиёсий ва адабий фаолияти ҳам шу тарзда ёритилган [8: 13*б*–15*а*].

"Мажолис ан-нафоис"да Султон Ҳусайн шеърияти алоҳида мажлис доирасида батафсил кўрсатиб берилган бўлса-да, Сом Мирзо каби сиёсий фаолиятига тўхталмаган.

Бобур ҳақида: “Бобур подшоҳ касир ал-эҳсон – Амир Темур Кўрагон дудмонидан ва унинг насаби шунга кўра, Бобур бин Умаршайх бин Султон Абусаъид бин Мироншоҳ бин Амир Темури мазкурнинг саховат ва шижоат овози аъло ва тафаккур қулоғига етган. Эҳсон дастурхони рўзгор юзига томон тортиб, давомли айш ва гуландом гўзаллар мажлисилари билан ниҳоятда машҳур эди. Сана арбаъа ва тисъи миа (904/1498–99)да Шайбек Шайбоний ва унинг ўртасида воқеъ бўлган жуда кўп муҳоварадан кейин Мовароуннаҳр мулки унинг тасарруфидан чиқиб кетди. Кобул ва унинг ноҳиялари билан қаноатланди. Сана сабъа ъашара ва тисъи миа (917/1511–12)да мағфур соҳибқироннинг ёрдами билан яна бир марта Муовароуннаҳрни эгаллади. Озроқ вақтдан кейин ўзбек султонлари унга ҳужум қилганда, у мулкдан кечди ва Кобул томонга қайтиб, жаҳонгирлик байроғини Ҳинд мамлакати томонга тикди. У ернинг подшоҳини енггандан кейин, Ҳиндустоннинг тасарруфи доирасига киритган улуғ шаҳарларидан бўлган Аграни дор ас-салтана қилди. У мамлакатнинг фатҳи чоғида жуда кўп зару зевар, нафис мато ва гавҳар у билан борган лашкар қўлига тушди. Жумладан, айтишларича, ўн уч ман олмос бўлиб, қолган нарсаларни шунга қиёслаш мумкин. Машҳур ғалабадан кейин камоли шавкат ва қудратда рўзгор ўтказди. Сана сабъа ва саласийн ва тисъа миа (937)да фано тўшагини бақога томон тортди [8: 14*б*–15*б*]”, – дейди ва унинг бир туркий матлаъсини келтиради.

Ҳумоюн ва Аскарий Мирзолар ҳақида ҳам бир қанча маълумотни келтирган. Жумладан, Ҳумоюннинг ҳукмдорлик давридаги фаолияти, мағлубиятга учраши, яна қайта ҳукуматни қўлга олиш тарихи мухтасар тарзда тасвирлаб берилган [8: 15*б*–16*а*]. Аскарий Мирзонинг ҳам Бобур подшоҳ авлодиданлигини айтиб, акасига қарши курашиб, оқибат мағлуб бўлиши ва ҳукмдор томонидан гуноҳларидан ўтиши хусусида сўзлайди [8: 16*б*–17*а*].

Булардан кейин тартиб берилган Фахрий Ҳиравийнинг (тав.1497–98) “Равзат ас-салотин” тазкираси (1551–1562) ўз олдига қўйилган мақсадга кўра, ҳукмдор ва амирлар ижодини ёритишга бағишланган. Шу боис унинг дебоча ва етти бобдан иборат мундарижаси қуйидагича: 1) Дебоча, 2) Биринчи боб шеърнинг номланиш сабаби ва Баҳром Гўрнинг аҳволи ва форс назмининг

бошланиши, 3) Иккинчи боб назмга илтифот кўрсатган ўзбек ва мўғул хонлари аҳволи баёни, 4) Учинчи боб шеърга майл кўрсатган ва (шеър) айтган Самарқанд ва Хуросоннинг Амир Темур Кўрагон авлодидан бўлган султонлари зикрида, 5) Тўртинчи боб гоҳида илтифот назари билан назмга машғулликка буюрган Ироқ ва Рум салотини аҳволи баёнида, 6) Бешинчи боб назмга майл кўрсатган Ҳиндистон султон ва подшоҳларининг зикри, 7) Олтинчи боб назмга майл кўрсатган салтанатосор амирларнинг аҳволи зикри, 8) Еттинчи бобнаввоби комёбнинг зикри жамили, онҳазратнинг давлати рўзафзунининг дуоси ва малик ул-ваҳҳобнинг инояти билан китоб хатми деб номланган бўлимлардан иборат. Кўриниб турганидек, Фахрий ўзидан олдинги тазкиранависдан бироз фарқли тарзди темурий ижодкорларни алоҳида боб доирасида ёритишга ҳаракат қилади. “Равзат ас-салотин”да Халил Султон, Султон Сикандар Шерозий, Абобакр Мирзо, Улуғбек Мирзо, Бойсунғур Мирзо, Бобур Қаландар, Абдуллатиф Мирзо, Саид Аҳмад мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Хоқони мағфур – Султон Ҳусайн мирзо, Абу Бакр мирзо бин Жўки мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Бойқаро мирзо, Султон Масъуд мирзо, Мирзои Соний, Султон Али мирзо, Хон мирзо, Сулаймоншоҳ Мирзо, Мирзо Иброҳим, Кичик Мирзо, Султон Бадеъ аз-замон Мирзо, Шоҳғариб мирзо, Фаридун Ҳусайн мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Султон Муҳсин Мирзо, Муҳаммад Мўъмин мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ, Муҳаммад Носир Мирзо, Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ, Комрон мирзо, Муҳаммад Аскарий Мирзо, Муҳаммад Ҳиндол Мирзо, Носир Мирзо сингари шаҳзодаларга бағишланган фикралар мавжуд [9: 42–75]. Бу фикралар Алишер Навоий ва Сом Мирзо асарлари билан қиёслаганда Фахрий Ҳиравий Алишер Навоий ва Сом Мирзо асарларига кирмаган темирийзодалар ҳақида маълумотларни киритган. Айни чоғда Фахрий мазкур муаллиф баён қилган ўринларни такрорлайди. Хусусан, “Мажолис ан-нафоис”даги маълумотларнинг аксари Фахрий Ҳиравий томонидан такрорланса, Бобур ва унинг сулоласидан чиққан ижодкорлар ҳақидагилар янгилик саналади. Шунингдек, Сом Мирзо асарларидан ҳам баъзи фарқли жиҳатлар кўзга ташланади.

Булар билан бирга Навоий, Сом Мирзо ва Фахрий Ҳиравийлар томонидан темурийзодалар ижодидан келтириган намуналар ҳам турлича. Масалан, Навоий қайд қилганимиздек, Султон Ҳусайн

ҳақида алоҳида мажлисни ажратиб, шеърларидан кўплаб намуналар ва адабий фаолияти билан боғлик воқеаларни баён қилади. Сом Мирзо эса, “Аз ғамат маро на тан, на жони монда аст” мисраси билан бошланадиган тўрт байтли ғазали ҳамда қуйидаги форсча ва туркий байтларини келтирган:

Жоно, жафо барои вафо микашим мо,
Тарки вафо макўнки, жафо микашим мо.

Наққоши Чин чу сурататаш оварда назар,
Зад бар замин қаламки, чеҳо микашим мо.

Мазмуни:

Жоно, биз вафони деб жафо чекармиз,
Вафони тарк этмаки, жафо чекармиз

Чин наққоши суратиши олдимга келтирди,
Қаламни етга ташлаб, деди не чекармиз.

***

Сабза хатинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.

Ҳусн аро сен комилу Ширину Лайли шуҳрати,
Ишқ аро мен зор ўлуб Фарҳоду Мажнун туҳмати [3: 10*б*–11*б*].

Фахрийда эса, Сом Мирзо томонидан келтирилган “Аз ғамат маро на тан, на жони монда аст” ғазалининг ўзи тақдим қилинган бўлиб, ғазалнинг биринчи мисраси “Аз ғами ишқат маро на тан, на жон монда” шаклида келтирилиб, радиф “мода аст” эмас, балки “мода” деб кўрсатилган [9: 53–54]. Бундан ташқари, Сом Мирзо тазкирасида ғазал тўрт байтдан иборат деб кўрсатилган. Фахрий тазкирасида ғазал беш байт. Шунингдек, икки тазкирадаги мавжуд матнда ҳам фарқлар учрайди.

Алишер Навоий Бадиуззамон Мирзо ҳақида: “Табъи ҳам назм услубида мулойимдур. Бу матлаъ анингдурким”, – деб қуйидаги форсий байтни кўрсатади:

Маҳи ман, бе гули рўят дилам хум гашта чун лола,
Жигар ҳам аз ғами ҳажрат шуда паргола-паргола.

Мазмуни:

Эй ойим, гул юзингсиз қалбим лоладек қон бўлди,
Жигар ҳам ҳижроинг ғамидан паргора-паргола бўлди.

Яна “Бу туркий матлаъ даҳи таркибда хуб ва ҳолатда марғуб воқеъ бўлубтурким” таърифидан сўнг:

Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,
Эврулуб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз.

байтини намуна сифатида бериб ўтган [1: 174–175].

Сом Мирзо Бадиуззамон Мирзонинг мана бу матлаъларини беришни маъқул билган:

Маҳи ман, бигул руят дилам хун гашта чун лола,
Жигар ҳам аз ғами ҳижрон шўда паргола-паргола.

Мазмуни*:*

Эй ойим, гул юзингсиз қалбим лоладек қон бўлди,
Жигар ҳам ҳижроинг ғамидан паргора-паргола бўлди.

Байт*:*

Чу рухсори ту аз нушидани май лолагун гардад,
Даруни ман саҳровор то лаб ғарқи хун гардад.

Мазмуни*:*

Сенинг юзинг май ичганингдан лоласифат бўлади,
Менинг ичим саҳрога ўхшаб оғзимгача қон бўлади [3: 11*б*–12*б*].

Фахрий Ҳиравий Бадиуззамон Мирзонинг ўғлига бағишлаб ёзган марсия ғазалининг матлаъси келтириш билан кифояланган:

Вазиди, эй сабо, барҳам зади гулҳои раъноро,
Шикасти з-он миён наврастаи шохи гули моро.

Яъни:

Эй сабо, эсдинг ва раъно гулларни тўзғитдинг,
Ўртада бизнинг гулимизнинг навраста шохини синдирдинг

[9: 60–61].

Сом Мирзо Шоҳ Ғариб Мирзонинг:

Бозам балойи жон ғами он маҳпора шўд,
Эй вой, он маризки ранжаш ду бора шўд.

Мазмуни:

Яна ул ойнинг ғам жонимга бало бўлди,
Эй вой, ул дарднинг азоби қайтадан бўлди [3: 13*б*].

Форсий ғазалининг матлаъси билан кифояланган бўлса, Фахрий унинг “яна” радифли “Бир қаро кўз бағри тошнинг хоксоримен яна” мисраси билан бошланадиган беш байтли туркий ғазалини тўлиқ бериди ва мана бу форсий матлаъси машҳурлигини қайдади:

Дўстон, ҳар гаҳ гузар суи мазори ман кунид,
Жойи такбирам дуои жони ёри ман кунид.

***Яъни**:*

Дўстлар, қачон менинг мозорим томонга ўтсангиз,
Мени эслаш ўрнига ёримнинг жонига дуо қилинг.

Ушбу байт Навоийга ҳам маъқул келгани сабабли: “Бу матлаъ ҳам бағоят ошиқона ва мухлисона ва муассрона воқеъ бўлибтурким”, – дея таърифлайди [1: 175].

Сом Мирзо Бобуршоҳнинг сиёсий фаолиятини ёритишга кўрпроқ ўрин бериб, шеъриятига деярли таъриф бермай “Бу туркий матлаъ унга мансубдир”, – дейди:

Такаллуф ҳар неча суратға бўлса, ондин ортуқсен,
Сани жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин отруқсен [3: 15*б*].

Фахрий эса: “Ва мусиқа илмида беназир эди. Ва туркий ва форсий ашъорда ва аруз ва қофияда юксак маҳорати бор эди. Ва “Мубаййин” деган фиққға оид назм қилган китоби ниҳоятда яхши битилган.

Форсийда ҳам равон ва аниқ айта оларди. Аммо туркий шеъриятга мойилроқ эди. Шеърлари девони одамлар орасида кўп бўлганлиги сабабли, мана бу туркий матлаъни ундан ушбу ўринда яхши ният ва табаррук тариқасида кўчирилди”, – дейди ва Сом Мирзо тазкирасидаги туркий матлаъни такрорлаб, форсийдаги маҳоратини ҳам кўрсатиб қўйиш учун қуйидаги форсий матлаъни келтиради:

Ҳалок мекунадам фурқати ту, донистам,
Ва гарна рафтан аз ин шаҳр метавонистам.

***Яъни**:*

Сенинг фурқатинг мени ҳалок қиларди, билардим,
Гарчи бу шаҳардан кетишни билардим [9: 68].

Сом Мирзо ва Фахрий Ҳиравийлар Ҳумоюн Мирзо ижодига оид фақат форсий мисралар асосида баҳо берган бўлса, Содиқ Китобдор

(1532–1613) “Мажмаъ ал-хавос”да (“Хослар йиғини”; 1597–98): “Ҳумоюн подшоҳ – ниҳоятдин мутажовуз, карим ал-табъ ва саховатпеша ва хушсалиқа подшоҳ эрди. Китобхона зийнати ва равнақиға кўп мойил эрди. Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзодин сўнгра Чиғатой подшохдарида Ҳумоюн подшоҳдек хуштабъ подшоҳ оз воқеъ бўлупдур. Қариндоши Комрон Мирзодин ҳазимат қилуп шоҳи жаннатмакон зилола жалолиға малжаъ бўлди. Қизилбош аскари нусратфаржоми имдоди била хасмни мағлуб қилуп, Ҳинд абвобин мафтуҳ қилолдилар. Табъи шеърда укуш мулойим воқеъ бўлупдур. Бу икки туркий байтининг кўп шуҳрати бор ва мушҳур бўлупдурким”, – деб унинг қуйидаги туркий рубоийсини тақдим қилади:

Ғариблиғ ғамидин меҳнату малолим бор,
Бу ғамдин ўлмакка етдум, ғариб ҳолим бор.

Висоли давлатидин айрилиб мен маҳзун,
Тирикмену бу тирикликдин инфиолим бор [8: 18–19].

Хулоса қилиб айтганда, Сом Мирзонинг “Туҳфаи Сомий” тазкираси темурий шаҳзодалар шахсияти ва адабий меросига оид қимматли манба. Сом Мирзо Алишер Навоий бошлаб берган тазкирачилик анъанасини давом эттириб, ўз даври ҳукмдорлари билан бир қаторда Темурий шаҳзодалар адабий фаолиятини ёритиш давом эттирган илк муаллифдир. “Туҳфаи Сомий”да Навоийнинг “Мажолис ан-нафоис”идан фарқли тарзда темурий шаҳзодаларнинг сиёсий фаолиятига кўпроқ ўрин ажратган.

Навоий, Сом Мирзо, Фахрий Ҳиравий ва Содиқ Китобдорларнинг тазкиралари қиёси, уларда темурий мирзоларга оид маълумотлар ҳамма ҳолларда ҳам бир-бирини такрорламаслиги кўрсатади. Тазкираларнинг тузилиши ва уларда берилган маълумотлар мазкур сулола вакиллари ижодига кейинги давр адабий доираларидаги муносабатнинг ўзгариб борганини далиллайди. Ушбу манбаларда келтирилган мисраларнинг тадқиқи асосида темурий ижодкорлар шеъриятининг мукаммал матн ва мундарижасини тиклаш, Темурийлар даври тазкиранасивлиги анъаналари мавзуисида олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис / Нашрга тайёрловчи: Суйима Ғаниева. Тошкент, 1966.
2. Буриев К.Б. Тазкира (Антология) как источник библиографической информatsiи // Вестник Челябинской государственной академии культуры и искусств. 2016 / 1 (45). С. 42–49.
3. Маҳмадшоев М.М. Баъзе намунаҳои нақди адабӣ дар “Туҳфаи Сомӣ”-и Соммирзои Сафавӣ // Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. №1 (62), 2015. С. 31–37.
4. Муҳаммад Содиқ Китобдор. Мажмаъ ул-хавос / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Болтабоев, Ж. Жўраев, О. Алимов. Тошкент, 2019.
5. Сом Мирзо Сафавий. Туҳфаи Сомий. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди қўлёзмаси, № 57.
6. Сом Мирзо Сафавий. Туҳфаи Сомий. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди қўлёзмаси, № 4377.
7. Сом Мирзои Сафавӣ. Туҳфаи Сомӣ / Таҳиягари матн ва муаллифи пешгуфтору тавзеҳот Бадриддин Мақсудов. Душанбе, 2018.
8. Султонов Т. Озарбайжон шоири Содиқий ижодида Алишер Навоий анъаналари//Хорижий филология. №1, 2017. Б. 61–68.
9. Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. Тошкент, 2014.

Ж. Жўраев

“Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар

Амир Темур авлодларидан бўлган кўплаб амирзодалар давлат ишлари билан машғул бўлиш баробарида шеъриятга ҳам майл кўрсатганлар. Алишер Навоий шарқ адабиётида тазкира тузиш анъанасига ўзига хос жиҳатларни татбиқ қилган. Жумладан, Навоий “Мажолис ан-нафоис” тазкирасининг алоҳида бир фаслини темурий мирзолар ижодини ёритишга бағишлаган. Мазкур фаслда Амир Темур ва йигирмадан ортиқ ижодкор амирзодаларнинг шахсияти ва ижодига

баҳо берилган. Ўз навбатида уларнинг асарларидан намуналар келтирилган. Ушбу анъана кейинчалик Сами Мирзо Сафавий томонидан “Туҳфаи Сомий” тазкирасида давом эттирилган. “Туҳфаи Сомий”да “Мажолис ан-нафоис”га кирган Султон Ҳусайн Мирзо, Бадиуззамон Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Муҳаммад Мўъмин Мирзо темурийзодалар ҳақидаги маълумотларни Бобур подшоҳ, Ҳумоюн подшоҳ ва Аскарий Мирзоларга оид фиқралар давом эттирган. Кейинчалик ижодкор темурий мирзолар ҳақидаги маълумотларни Фахрий Ҳиравий “Равзат ас-салотин” тазкирасида тўлдирган. Учала тазкирадаги айрим ўринлар бир-бирини такроласа, баъзи ҳолларда янги маълумотлар билан бойитилган. Мазкур жиҳатларга кўра, ушбу мақолада учала тазкиранинг матний қиёси амалга оширилиб, “Туҳфаи Сомий” тазкирасидаги маълумотларнинг темурий шаҳзодаларнинг ҳаёт йўли ва адабий меросини тадқиқ этишдаги аҳамияти кўрсатилади.

Калит сўзлар: *темурий шаҳзодалар, Сом Мирзо Сафавий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий,* Султон Ҳусайн Мирзо *“Туҳфаи Сомий”, “Мажолис ан-нафоис”, “Баҳористон”, “Тазкират аш-шуаро”.*

Ж. Жўраев

Сведения о тимуридских царевичах в «Тухфа-йи Сами»

Многие царевичи (*мирза*), потомки Амира Тимура, наряду с занятием государственными делами проявляли склонность к поэтическому творчеству. Среди наиболее ранних источников, повествующих о поэзии тимуридских царевичей, особое место занимают произведения основоположника узбекской классической литературы, Алишера Наваи. В частности, в своей антологии (*тазкира*) “Маджалис ан-нафа’ис” Наваи посвятил отдельную главу освещению поэтического творчества Тимуридов. В этой главе автор говорит о личностях и произведениях Амира Тимура и более двадцати тимуридских царевичей, приводя примеры их работ. Впоследствии традиция включения сведений о поэзии коронованных особ из династии Тимуридов была продолжена Сами Мирза Сафави в *тазкир*е «Тухфа-йи

Сами». В «Тухфа-йи Сами» большее внимание уделяется представителям Тимуридов, правившим в Хорасане, – прежде всего, султану Хусайну Мирза, Бади‘ аз-Заману Мирза, Фаридуну Хусайну Мирза, Шаху Гарибу Мирза, Мухаммаду Мумину Мирза, а также тем персоналиям, что не нашли отражения в «Маджалис ан-нафа’ис», – Бабур-*шах*у, Хумайун-*шах*у и Аскари Мирза. Следующим видным представителем этой традиции выступил Фахри Хирави, автор *тазкир*ы «Равзат ас-салатин». Хотя некоторые фрагменты трёх произведений повторяют друг друга, в ряде случаев в них приводятся сведения, дополняющие своих предшественников. Таким образом, в статье проводится текстовое сравнение всех трёх *тазкир*. При этом особое внимание обращается на значимость материалов «Тухфа-йи Сами» в изучении биографии и литературного наследия тимуридских царевичей.

Ключевые слова: *Тимуридские царевичи, Сам Мирза Сафави, Алишер наваи, Давлатшах Самарканди, Султан Хусайн Мирза, “Тухфа-йи Сами”, “Маджалис ан-нафа’ис”, “Бахаристан”, “Тазкират аш-шуара”.*

Dj. Djuraev

Records on the *Mirza*s of the Timurid dynasty in “Tuhfa-yi Sami”

A number of royal princes (*mirza*), the descendants of Amir Timur, along with state affairs, tended to write poetry. Among the earliest sources on the poetry of the Timurid princes, the works of Alisher Nawai, the founder of Uzbek classical literature, hold a special place. In particular, in his anthology (*tazkira*) “Majalis an-nafa’is”, Nawai devoted a separate chapter to highlighting Timurid poetic creativity. In this chapter, the author describes the personalities and writings of Amir Timur and more than twenty Timurid princes, providing samples of their works. Subsequently, the tradition of including information about the poetry of the crowned persons of the Timurid dynasty was continued by Sami Mirza Safavi in the *tazkira* “Tuhfa-yi Sami”. In “Tuhfa-yi Sami” more attention was paid to the representatives of Timurids who ruled in Khorasan – primarily to Sultan Husayn Mirza, Badi‘ al-Zaman Mirza, Faridun Husayn Mirza, Shah Garib Mirza, Muhammad Mumin Mirza, as well as to those personalities that

were not reflected in “Majalis an-nafa’is”, i.e. Babur Shah, Humayun Shah and Askari Mirza. The next eminent representative of this tradition was Fakhri Hiravi, the author of the *tazkira* “Rawzat as-salatin”. Although some fragments of the three writings repeat each other, in a number of cases they provide information complementary to their predecessors. Thus, the article offers a textual comparison of all three *tazkira*s. At the same time, special attention focuses on the significance of the materials of “Tuhfa-yi Sami” in the studies of the biography and literary legacy of the Timurid princes.

Key words: *Timurid princes, Mirza Safavi himself, Alisher Navai, Davlatshah of Samarkandi, Sultan Husain Mirza, “Tuhfa-yi Sami”, “Majalis an-nafa’is”, “Baharistan”, “Tazkirat ash-shuara”.*

Р. Турсунов

Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шеър – икки талқин

Амирий тахаллусида ижод қилган Қўқон хони Амир Умархон (1787–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) бошчилигида йирик ижодий мактабга айланган, гуллаб-яшнаган Қўқон адабий муҳити мумтоз адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирган. Унинг йирик ёрқин вакилларидан бири – Муҳаммад Ғозий бўлиб, “унинг яшаган ва ижод этган даври, тахминан, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг 20-йилларига тўғри келади” [8: 35].

Шоир ижоди ўз давридаёқ юқори баҳоланган, чунончи замондоши Фазлий Намангоний (XVIII–XIX) “Мажмуаи шоирон” тазкирасида шундай таърифлайди:

Чу Ғозийки дар корзори сухан,
Ба тиғи забон буд лашкаршикан [1: 74].

Мазмуни: *Ғозий сўз айтиш жангида*
Тилининг тиғи билан ғалаба қозонди.

Маълумки, “Адабий ворисийлик, ижодий илҳомланиш, буюк истеъдодга тақлид қилиш ва эргашиш тушунчалари ўзига хос юксак савиядаги маданий, адабий ҳодиса бўлиб, Шарқ мумтоз адабиётининг

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.